

Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqib boshlagan

№140 (6.665). Sotuvda erkin narxda

БУГУНГИ СОНДА

ҚИҲҒИР ИШНИНГ ҚИЙИҒИ



МИЛЛАТ ИФТИХОРИ

(2-саҳифада)

(1-4-саҳифаларда)

ҲАЁТБАХШ НЕЪМАТНИ АСРАЙЛИК

(1-2-саҳифаларда)



● **Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ҳукуматларининг ахборот айрибошлашга қаратилган келишувига мувофиқ «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясида икки давлат авиацияси вакиллари музокараси бўлиб ўтди.** Унда фуқаро авиациясини ривожлантириш истикболлари ҳақида фикрлашилди, самарали ҳамкорлик юзасидан меморандум имзоланди.

● **Бухоро вилояти ички ишлар бoshқармаси «Бухарский вестник» газетаси билан ҳамкорликда «Йилнинг энг яхши профилактика инспектори» танловини ўтказди.**

● **Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Қаҳрамони, халқимизнинг сеvimли адаби Саид Аҳмад каламига мансуб «Киприкда қолган тонг» номли янги китоб тақдими бўлиб ўтди.**

● **Қизилтепа туманидаги «Деҳқонobod» ширкат хўжалигида беш минг кишига хизмат кўрсатадиган врачлик пункти фойдаланишга топширилди.**

● **Пойтахтнинг Сергели туманидаги Мактабларaro ресурс марказида таълим соҳасининг навбатдаги ривожланиш босқичида компьютер ва ахборот технологияларини ўқув жараёнига қўйиб олиш бўлиб ўтди.**

● **Тахياتошда автомобилларга эхтиёт қисмларини сотишга бўлган қўлдан савдо маркази ишга тушди.**

● **Тўртқўл туманининг «Оқ олтин» жамоаси футбол бўйича 2003 йилги Қорақалпоғистон Республикаси чемпиони бўлди.**

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 13 ноябр кuni Оқсаройда Жаҳон банки вице-президенти Шгео Катсуни қабул қилди. Ўзбекистон мустақиллигининг илк йилларидан Жаҳон банки билан самарали ҳамкорлик қилиб келади. Ушбу етакчи халқaro молия муассасаси мамлакатимиздаги кўпballи йирик лойиҳаларда иштирок этмоқда. Учрашувда Ислам Каримов меҳмонни юртимизга таширифи билан кутлар экан, кuni кеча Тошкентда нихосясига етган Осиё тараққиёт банки шафёблигидаги минтақавий иқтисодий ҳамкорлик масалаларига бағишланган вазирлар конференциясида Жаҳон банкдан бундай юксак мартаballи вакилнинг қатнашгани мазкур анжуманнинг нуфузини янада оширганини таъкидлади. Мамлакатимиз раҳбари Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга ёрдам кўрсатиш борасидаги интилишларини юксак қадрлашни кайд этди ҳамда макроиқтисодий барқарорлик мустаҳкамлашиб, миллий валютанинг жорий халқaro операциялар бўйича тўла конвертацияси жорий этилгани бу йўналишда янги имкониятлар очилишига ишонч билдирди.

Жаҳон банки Ўзбекистон билан ҳамкорлик доирасида кўпball соҳаларга эътибор қаратади. Муҳим ирригация мажмуалари ва насос станцияларига сувни тежаш технологияларини татбиқ этиш орқали агросаноат мажмуини замонавийлаштириш ва техникавий қайта жиҳозлаш, саноатнинг электротехника, кимё ва бошқа тармоқларида энергияни тежаш технологияларини ўзлаштириш, коммунал хўжаликни ислох қилишга кўмаклашиш, умумий таълим мактабларини компьютер техникаси билан таъминлаш ва интернетга улаш орқали таълим соҳасидаги ислохотларни кўллаб-қувватлаш каби устувор йўналишлар белгилаб олинган. Кишлоқ врачлик пунктларини замонавий тиббий усунулар билан жиҳозлаш орқали соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотларни кўллаб-қувватлаш, молия секторини ислох этишга кўмаклашиш ҳам шулар жумласидандир. Оқсаройдаги суҳбат чоғида ҳамкорликнинг ҳозирги босқичи муҳоама этилар экан, келгусида биргаликда амалга оширилиши мумкин бўлган янги лойиҳалар, алоқаларнинг янги йўналишларига оид масалалар юзасидан ҳам атрафлича фикр алмашилди.



Раҳима опа богча мудираси. У бу вазифада фаолият юритиб тилга тушмаганиди. «Сурман ота» фермер хўжалигини ташкил этгач, элга машҳур бўлди. Албатта, меҳнат тўғайли. 9 гектар ердаги пахта, 9 гектар майдондаги галладан юқори ҳосил олиб, кўпчиликка ўрнак бўлмоқда. СУРАТДА: мизачўллик фермер Раҳима Жайловова. Н.АЛМУРОДОВ олган сурат.

МИСҚОЛЛАБ ЙИФИЛГАН БОЙЛИК

Пахта йиғим-терими мавсуми охирида қолди. Қайси вилоят нечанчи ўринда, қай бири шартномани уддалайди-ю қайси вилоятда сўстаклилик панд берди? Пахта йиғими тўғрисидаги маълумотда барчаси бор. Галвир сувдан кўтарилган маҳал ҳаммаси ойдинлашди. Сурхондарёлик пахтакорлар 345000 тонналик хирмон яратиб биринчи бўлишди. Президентимиз лафзи халол сурхондарёлик миришкорларга табрик йўллади. Самарқандликлар ҳам ўз сўзларининг устидан чиқаяпти. Вилоят деҳқонлари мавсумни ушқоқлик билан ташкил этиб, 235000 тонналик улкан хирмон яратмоқдалар. Вилоят пахта шабдан хабар беришларича, ҳосилнинг асосий қисми юқори навларга сотилди. Ширкатлар-у фермерларнинг пахтачиликдан катта даромад олиши кутилмоқда. Ташкилотчилик, ернинг ўз эгасини топгани ва энг муҳими, деҳқон хашарчиларни рағбатлантириш, уларга яхши шароит яратилгани кутилган самара берди. Куз ҳавоси ўзгарувчан. Унинг ҳар турли нағмалари билан деҳқонни шошириб қўяётгани рост. Акс ҳолда бухоролик пахтакорлар ҳам гани кутилган самара берди.

Шартнома уддаланмайдими? Эртапишар пахта етиштириб тилга тушган андишонликларга нима панд берди? Улар нимада адашди-ю, бу кимгадир сабоқ бўлади? Яна кундалик маълумотга назар ташлаймиз. Рўйхатнинг охирида сирдарёликлар турибди - 53,97 фоиз. Сўнг хоразмликлар - 59,22 фоиз, фарғоналиклар - 62,77 фоиз. Яна ҳайратга тушасиз. Водийлик пахтакорлар нега қоқоқлар сафида? Яхшиси бу ҳақда кейинроқ, Чунки пахтачиликдаги қоқоқлик энг аввало шу вилоятнинг ўзига зарар, қолаверса, мавсум даврида раҳбар ташкилотчиларнинг нимага қодирлиги яна бир синовдан ўтди. Демак, бу ҳақда яна ёзилади. Ҳозир эса қайси туман, қайси вилоятда бўлмасин, шартномани уддалаб, кўнгли тоғдек кўтарилган фермеру ширкатчига яна бир қарра раҳмат айтайлик. Илойим, дард кўрманг, азиз пахтакорлар. **Абдунаби АЛИҚУЛОВ**

СПОРТ – ОРИЯТ, СПОРТ – ҒУРУР

Тарихдан маълумки, заминимиз қадимдан полвонлар, саркардалар юрти бўлган. Гўрўгли, Алпомишлар узоқ мазийдан садо берса, Спитамен, Мангуберди, соҳибқирон Темур бобомиз, умуман, темурийзодалар, улар навкарларнинг жисмонан бакуват, эпил бўлганлигига сўнгги минг йиллик гувоҳдир. Бундан қандай хулоса чиқариш мумкин? Утмишда элимизда тўй-маъракалар, миллий байрамлар кураш, от чоптириш, улоқ, турли-туман ўйинлар, беллашувларсиз ўтмаган. Хукмдорлар, вазирлар, ҳокимлар, ҳатто мингбоши, юзбоши, ўнбоши-ю кўрбошилар ҳам турли куч синишиш ўйинларининг ишқибози бўлишгани, ўз фарзандларини болалигидан қилимбозлик, қўл жанги санъатига ўргатиш учун мураббийлар ёллашганини оддий мактаб дарсликлар орқали ҳам биламиз. Моҳиятига чуқур назар солсангиз, ота-боболаримиз, аждодларимиз ўсиб бораётган ёш авлоднинг соғлом, барқамол, мард, жасур бўлиб вояга етишини истаган, қайғуришган.

НИГОҲ л и ку л а й - ликлар ва хам эга бўлмай, овлоқ, тошлоқ жойларда, қишда бедазорлар ўрнида курашиб, тўп тепиб юришди. Баҳор, ёз, куз ойлари уларнинг аксарияти қора меҳнатдан бўш вақт топишолмасди... Истиклол – тоза, мусаффо ҳаво экан. Қарангки, Гиждудовда санокли ойларадигина улкан ёпиқ спорт мажмуаси қурдик. Кишлоқларимизда ҳам ўсмирлар қувончига қувонч қўшаётган иншоотлар шўрлар давридагидек туя гўшти егандай йиллар давомида эмас, бир неча ойда барпо этилмоқда. Буларнинг ҳаммаси учун ташвиш чекаётган Президентимиз доимо омон бўлсинлар.

Собиқ тузум ҳукмронлик қилган йилларда ҳам жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш борасида озми-кўпми қарорлар чиқар эди. Бирок, у ҳужжатлар ижроси асосан ўрис оғаларимиз юртидаги шахар ва сеёлкаларда ўз аксини топар,

Ўзбекистоннинг катта-кичик кишлоқларига ҳатто шабадаси ҳам етиб келмасди. -Ўзингизкига не етсин, - дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Жиззах вилояти филиали директори Фахриддин Умаров. - Мустақилликка эришганимиздан буён айниқса кишлоқ жойларда спортни ривожлантиришга оид бир қанча Фармон, қарорлар чиқди. Ҳаммаси халқимиз томонидан мамнуният билан қўлиб олинди, ҳашарлар ҳашарларга уланиб кетди. Кишлоқларимизда спорт иншоотининг қурилиши алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу нарса эса, табиийки, ҳозирнинг ўзидаёқ кадрлар, мураббийлар, қолаверса, болаларнинг ранг-баранг спорт турларига қизиқтириш масалаларини кўнда-ланг қўймоқда. Шу муносабат билан ҳукуматимизнинг "Оммавий спорт тарғиботини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги навбатдаги қарори эълон қилинди. Унга асосан Ўзбекистон телевидениесининг 4-"Халқaro" телеканали алоҳида спорт телеканалига айлантирилган бўлди. Мазкур ҳужжатнинг яна бир оламшумул хусусияти шундаки, бундан кейин у рақобатбардош хусусий спорт телерадио каналларининг вужудга келишига ҳам шароит яратлади. **(Давоми 4-бетда)**

БЮДЖЕТ ВА САЛОМАТЛИК

Олий Мажлисининг ижтимоий масалалар ва бандлик кўмитасида бўлиб ўтган йиғилишда асосий молиявий ҳужжат ҳисобланган Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилги Давлат бюджет лойиҳаси ҳамда «Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг Бухоро ва Қорақалпоғистон Республикасидаги ижроси атрафлича муҳоама этилди. Республика Молия вазирининг ўринбосари Т.Жўраевнинг айтишича, 2004 йилги Давлат бюджет иқтисодиётимизни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш истикболларига мувофиқ иқтисодий ўсишни таъминлаш вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган. Иқтисодий ўсишни таъминловчи омиллардан бири иқтисодиётдаги солиқ бўлиб, у корхона-иқтисодий фаолият жараёнида, уларни ишлаб топган маблағларидан фойдаланишда янада кўпроқ эркинлик ва имкониятлар беради, хусусий ташаббуснинг намоён бўлишига замин яратди. Буларнинг бари корхоналарнинг фаолиятини рағбатлантириш асосида ишлаб чиқариш суръатларини, яъни ички маҳсулот (ИИМ) ҳажминини оширишда ва пировард натижада аҳоли турмуш даражасини кўтаришда қўл келади. Худди мана шу жиҳатлар келгуси молиявий йилдаги бюджет жараёнининг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётимизни ташкил этишдаги аҳамиятини белгилаб беради. Шунингдек, йиғилишда таъкидланишича, Бухоро вилоятида аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш, касалликни эрта ва чегараланган ҳолатларда аниқлаш натижасида 2003 йилнинг 9 ойи давомида бирламчи назоратга олинган беморларнинг интенсив кўрсаткичи ўтган йилга нисбатан сезиларли камайган. **(Давоми 2-бетда)**

МУЛОҲАЗА

Бандихон бирмунча янги туман. Шароити оғирроқ. Анча-мунча қийинчиликни бўйнига олган одам ишлайди бу ерда. Бориб кўрмаган баъзи кишилар Бандихонни «чўлу биёбон жой», десалар ажаб эмас. Бу – туманнинг йил сайин қаддини кўтараятигандан бе-хабар кишиларнинг гапи. Тўғри, ҳали бу ерда Деновнинг бозоридай бозор йўқ.

ХОР ҚИЛГАН ЗОР БЎЛАДИ

Қумқўрғоннинг йўли асфальтланган, суви, гази бор, ўзи кўркам, дарахтлари шовуллаб турган кишлоқларидай обод маҳаллар Бандихонда ҳали камроқ. Ёки бу ерда Жарқўрғоннинг фабрикасидайд мухташам корхоналарга дуч келмаймиз. Бирок, Бандихон саҳро жой ҳам эмас. Хавас қилгулик гўшалари, кишлоқлари, маҳаллалари бор. Йўқни бор демоқ ёки борни йўқ, дейиш инсофдан эмас. Аҳоли ичимлик сувини қандай қилаётти экан, деган

(Давоми 2-бетда)

Сиз «ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ» газетасига 2004 йил учун обуна бўлдингизми?

Газетанинг нашр кўрсаткичи - 144

МОЗИЙ

Ер қуррасининг ҳеч бир нуқтасида юртимиздагича кўп олимлар, фозилу дошманлар етишиб чиқмаган. Ахир уларнинг ҳар қайси-сини номма-ном санаб, кашфиётлари, илим йўлидаги изланишлари самараси ҳақида тўхтаб, ер шарига юк бўлар даражадаги қомусий китоблар дунёга

ЗАЛОЛАТГА ҚАРШИ КУРАШГАН АЛЛОМА

келади. Бундай жаҳоний гоғлар силсиласи жо китобларни яратиб у ёқда турсин, ҳатто кўчириб чиқишга нанки бир одам, балки икки-уч авлоднинг умри камлик қилади. Агар она-тупроғимизда қадимда яшаб ўтган улугларимиз ҳақида маълумотлар тўплаб, озгинагина тасаввурга эга бўлсангиз, бир ҳақиқатни англайсиз. Ўзбекистон замини – Она ернинг илим-зиё бешиги бўлган. Инсоният тарихидаги барча давр уйғунлар илдири айна шу қўнча тупроқда. Ду-

нок, маънавий бошга тож қилинди. Маънавият улуглариди. Бу билан асосли равишда ўз илдиимиздан гурурланиб, ҳаётга дадил разм сола бошладик, биз ҳам миллат эканлигимизни, миллат бўлганда ҳам дунё илмининг ўчоғида ўчмас олов ёққан миллат эканлигини англай бошладик. Бу юртининг ҳар бир қарич ери муқаддас, ҳар бир қарич ерига улуглар қадами теккан ва инсониятнинг буюк даҳолари, азиз авлиёлар кўнин топан юрт. **(Давоми 4-бетда)**

